

## **ЛИБОС ИНСОН КЎРКИ**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи маънавият бўлими  
катта илмий ходими*

***Валиева Гўзалхон.***

Жаҳондаги ҳар бир халқ маданияти уларнинг анъанавий кийим-кечаклари, безак-тақинчоқларида акс этган. Улар ҳар бир миллат ва халқнинг узига хос хухусиятларини намоён қилади. Турли худудларда яшовчи маҳаллий этник гуруҳларнинг умумий характердаги либослари мавжуд. Дастлабки аجدодларимиз ёввойи ўсимликлар новдалари толаларидан ип йигириш дагал матолар тўқиш, улардан кийимлар тикишни ўрганишган. Деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик ривожланиши сари жун пахта маданий толалардан уй хайвонлари териси ва мўйнасидан ҳамда пилладан ип йигириб кийим-кечаклар тика бошлаган. Айниқса ўзбек миллий кийим-кечакларининг бой тарихи республикамиз худудидан топилган археологик ёдгорликлар ёзма манбалар, қўлёзмаларга ишланган мўъжазгина тасвирларда муҳрланиб қолган. Масалан қадимги Поп аҳолиси орасида тўқимачилик ва тикувчиликнинг ҳунармандчилик тури кенг раванқ топган. Археологик тадқиқотлар натижасида икки хил матодан (ип ва пахта) тайёрланган уст-бош қолдиқлари топилган. Мунчоқтепа ёдгорлигини қазिश ишлари давомида ҳам кўпгина нодир ва ноёб бетакрор буюмлар топилди. Топилмалар ичидаги кийимлар орасида ипакдан тўқилган кийимлар салмоқли ўринни эгаллайди. Аёллар кийган куйлаклар бутунлигача сақланганига гувоҳ бўлинди. Бу куйлакларнинг бичилиши ва тикилиши, чокларининг бир хил текислиги эътиборга лойиқ.

Аждодларимиз томонидан тайёрланган матолар уч хил ранг, тўқ яшил, тўқ зангор ва тўқ жигаррангда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, маскур топилмалар Ўрта Осиёдаги ипакчилик тарихида янги саҳифаларни очган. Ҳозирги

даврга келиб Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари аҳолисининг кундалик кийим-кечаклари ва безак тақинчоқлари замонавийлик касб этиб, бошқа қардош халқлар либосларидаги хусусиятлар уларга ўз таъсирини ўтказган. Шу боис анъанавий маҳаллий кийимларимизни айримлари музей экспозициялари ва хазиналарида театрларда санъат асарларидагина сақланиб қолган холос. Хатто уларнинг номлари нутилиб бормоқда, масалан; бозубанд, мурсак, паранжи, чиммат. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам уларнинг айримлари учрайди.

Паранжи иин 15557 КК 20 Ўлчами 52. 19-20 асрга оид. 1996 йил музейга қабул қилинган. Кулранг майда чизиқли беқасамдан тикилган. Паранжининг айлана атрофига қора кўк йўлли жияк қадалган.

Паранжининг бўйин томонидан олди томонигача жиякдан безак берилган. Олди ён томонига ҳам жиякдан икки қатор безак бериб, оқ тугма қадалган. Тугма ва қизил жиякка сариқ, кўк, пушти, зангор, оқ иплардан попуқ қилиб безак берилган. Паранжига қадалган жиякларнинг ён атрофига қора ип билан хошия тикиб орасига “S” шаклида гуллар тикилган. Олд томонига вертикал овалсимон безак берилиб, чеккаларига гул тасвирини ва барг тасвири тушурилган. Енгининг учига сариқ каштали жияк қадаб, қизил ва зангор рангли попуқлар қилинган. Билак қисмига қора йўлли жияк ва попуқ қадалган.

Чиммат инв 16148. КК-20. Бўйи 129 см, эни 67см. 19-20 асрга оид. 9.09.2011йилда музейга қабул қилинган. Чиммат чачвон ҳам деб аталади. Паранжи ёпинганда юзга тутиладиган тўрсимон парда, от думининг қилидан тайёрланади. Асосан аёлларни бегона эркаклардан юзларини кўрсатмаслик учун ёпинишган.

Айрим либосларни эса шакли, тикилиши ҳамон авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Жумладан Яктак. Бу кийим ҳозирги кунда ҳам эркак ва болаларнинг сеvimли кийимларга айланган. Уларни айниқса ёз ойларида кўпроқ кийишади.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи маънавият бўлими катта илмий ходими Валиева Гўзалхон.

**Фойдаланган адабиётлар**

**1 Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган ноёб эксонатлар каталоги**

**2 Мозийдан садо журнали. 2016 йил 69-сони**

**3 Интернет сайти.**